

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ТҮҒРИСИДА

Электр энергетика тармоғининг ишончли фаолият юритишини таъминламасдан туриб иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат ҳудудларининг саноат салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, ахоли фаровонлигини юксалтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга эришиб бўлмайди.

Замонавий шароитларда электр энергетика тармоғида ракобат мухитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Электр энергетика тармоғини ислоҳ қилиш бўйича вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси** ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислоҳотлар **концепциясида** белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Жаҳон банкининг республика электр энергетика тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги, шу жумладан ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштиришни назарда тутувчи таклифи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг электр энергияни ишлаб чиқариш, етказиш, тақсимлаш ва сотишни ташкил этишнинг замонавий услубларига мувофиқ, қуидагилар орқали «Ўзбекэнерго» АЖни қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) иссиқлик электр станциялари ҳамда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи электр марказларини бошқарувчи «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамиятини ташкил этиш;

б) «Ўзбекэнерго» АЖнинг тугатилаётган «Ўзэлектртармоқ» УК ва «Энергосотиш» филиали негизида қуидагиларни амалга оширувчи «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятини ташкил этиш;

республиканинг магистраль электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;

электр энергияни республиканинг магистраль электр тармоқлари орқали етказиб бериш ва давлатлараро транзитни амалга ошириш;

электр энергияни экспорт ва импорт қилиш, шунингдек, кўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш;

электр энергияси ишлаб чиқарувчи, шу жумладан хусусий капитал иштирокидаги корхоналарни, шунингдек, магистраль ва ҳудудий электр тармоқларини ягона оператив-диспетчерлик бошқариш;

электр энергияси ишлаб чиқарувчи, шу жумладан хусусий капитал иштирокидаги корхоналардан электр энергиясини ягона харид қилувчи функциясини бажариш, шунингдек, электр энергияни ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига сотиш;

в) электр энергияни якуний истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга оширувчи «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятини ташкил этиш;

г) «Ўзбекэнерго» АЖ таркибига киравчи айrim хўжалик жамиятлари ҳамда корхоналарини **1-иловага** мувофиқ қайта ташкил этиш ва тугатиш;

д) «Ўзбекэнерго» АЖ ва унинг таркибига киравчи ташкилотларнинг соҳага оид бўлмаган ва фойдаланилмаётган активлари ва улушларини **2-иловага** мувофиқ уларни

кейинчалик 2019 — 2021 йиллар давомида белгиланган тартибда сотиш мақсадида баланс қиймати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

янги ташкил этилаётган «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларининг дастлабки устав капиталларини шакллантириш **3 — 5 иловаларда** кўрсатилган хўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат ва «Ўзбекэнерго» АЖ активлари ва улушларини бериш ҳисобига амалга оширилади;

«Ўзбекэнерго» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг **2-иоловада** кўрсатилган активлари ва улушларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш баланс қиймати бўйича давлат ва «Ўзбекэнерго» АЖ улушкини камайтириш ҳисобига амалга оширилади;

активлар, акциялар пакетлари ва улушлар янги ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларига уларнинг устав капиталида давлат улушкини шакллантириш (ошириш) ҳисобига берилади;

«Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари устав капиталларида давлат акциялари пакетлари бўйича акциядор ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сон қарори билан ташкил этилган Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича **комиссия** ишчи органи сифатида бошқарув ходимларининг чекланган штат бирликлари 20 нафардан иборат бўлган, бюджетдан ташқари Ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги қошида Лойиҳа оғиси (кейинги ўринларда — Лойиҳа оғиси) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Лойиҳа оғисига Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг электр энергетика тармоғини назорат қилувчи ўринбосари бошчилик қиласи.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:

ҳар бир тадбирни амалга оширишнинг аниқ муддатлари ва ижрочиларини кўрсатиб ўтган ҳолда, шу жумладан «Ўзбекэнерго» АЖнинг қайта ташкил этиладиган корхоналарининг активлари ва мажбуриятларини хатловдан ўtkазишини назарда тутган ҳолда «Ўзбекэнерго» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларни қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

Лойиҳа оғиси фаолиятини унинг таркибига электр энергетика тармоғини ислоҳ қилиш соҳасидаги халқаро ва маҳаллий эксперtlар ҳамда мутахассисларни жалб этиш орқали ташкил қилишини таъминласин;

2030 йилга қадар электр энергетика тармоғида, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш дастурларини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги:

2019 йил 1 майга қадар — энергия ресурсларининг таннархини пасайтириш ва йўқотишларни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар)ни, шунингдек уларга эришишнинг босқичма-босқич механизмларини кўрсатган ҳолда 2019-2020 йилларда «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар — ресурсларни бошқариш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш тизими (ERP) диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиши дастурий-аппарат комплекси (SCADA)ни жорий этиш, шунингдек электр энергияни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭҲНАТ)ни жорий этиш

бўйича лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш ишларининг аниқ тадбирлари, муддатлар ва молиялаштириш манбаларини назарда тутган ҳолда 2019 — 2021 йилларда электр энергетика тармоғини рақамлаштириш бўйича комплекс дастурни;

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 сентябрига қадар — 2020 — 2030 йилларда мамлакатнинг ёқилғи-энергетика таъминоти концепциясини (кейинги ўринларда — Концепция);

Концепция қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Осиё тараққиёт банкининг техник кўмаги — иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг электр энергияга бўлган истиқболдаги талаб-эҳтиёжлари прогнозларини инобатга олган ҳолда 2030 йилга қадар электр энергетика тармоғида ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ҳамда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш дастурларига аниқликлар ва қўшимчалар киритиш;

Курилиш вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари, консалтинг компаниялари, ихтисослаштирилган лойиҳа институтларининг техник кўмагида 2019 йил 1 декабрга қадар — илғор жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда электр энергетика обьектларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатация қилишни техник бошқариш соҳасида қурилиш нормалари ва қоидаларини, стандартларини, норматив ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Молия вазирлиги Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари ва консалтинг компанияларининг техник кўмагида 2019 йил 1 майга қадар электр энергия тарифларини белгилаш методологиясини такомиллаштириш бўйича хукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда эксплуатацион, операцион ва инвестицион сарф-харажатлар тўлиқ қопланишини, шунингдек, электр энергетика тармоғи корхоналари рентабеллигининг чегараланган нормаси белгиланиши назарда тутисин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги уч ой муддатда белгиланган тартибда:

«Иссиклик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларининг устав капиталлари шакллантирилишини ва уларнинг таъсис ҳужжатлари тасдиqlанишини;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан биргаликда «Иссиклик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларининг раҳбарлик лавозимларига зарур тажриба ва амалий кўнімаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар, шу жумладан хорижий мутахассислар жалб этилишини таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу қарорнинг **2-иловасида** кўрсатилган активларни сотишдан тушадиган маблағлар Давлат активларини бошқариш, трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича жамғарма тасарруфида қолдириладиган маблағлар бундан мустасно бўлган ҳолда «Иссиклик электр станциялари» АЖнинг устав капиталига давлатнинг ҳиссаси сифатида қўшилади ва ушбу маблағлар иссиқлик электр станциялари ва электр марказлари томонидан жалб этилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) кредитларини «Иссиклик электр станциялари» АЖнинг улушкини уларнинг устав капиталларида кўпайтириш ҳисобига сўндиришга максадли йўналтирилади;

мазкур карорга мувоғиқ хўжалик жамиятларининг бир ташкилотдан бошқа бир ташкилотга ўтказилаётган мулки, мулкий ҳуқуқлари, жумладан устав капиталидаги акциялари ва улушлари қиймати, шу жумладан уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш чоғида солиққа тортишнинг барча турлари бўйича солиқ солиш обьекти ҳисобланмайди;

Агентлик ва янги ташкил этиладиган «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларининг «Ўзбекэнерго» АЖ тузилмасидаги ташкилотларга қарашли юридик шахслар акцияларининг 50 фоизи ва ундан кўпроғига эгалик қилганида мазкур ташкилотларнинг қайта ташкил этилиши янгидан сотиб олинган акциялар пакети деб ҳисобланмайди;

янгидан ташкил этиладиган «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларининг устав капиталларини шакллантириш акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига қўшилаётган мулкнинг баланс қиймати бўйича амалга оширилади, кейинчалик мазкур мулкнинг баланс ва бозор қийматлари ўртасидаги тафовут уларнинг устав капиталларига киритилади;

«Ўзбекэнерго» АЖнинг амалдаги шартномалари бўйича ҳукуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан «Ўзбекэнерго» АЖ «Энергосотиш» филиалининг электр энергияни харид қилиш ва сотиш билан боғлиқ дебитор ҳамда кредитор қарздорлиги, ушбу қарорнинг **15-бандида** назарда тутилганларидан ташқари, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ тасаруфиға ўтади.

10. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг «Қишлоқэнерголойиҳа» АЖ негизида инновацион технологиялар ва ҳозирги замон илм-фани ютуқларини қўллаган ҳолда 0,4 кВдан 500 кВгача кучланишли барча типдаги электр тармоқларини лойихалаштирадиган замонавий кўп тармоқли «Ўзэнергоинжиниринг» АЖ лойиҳа ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргалиқда бир ой муддатда «Ўзэнергоинжиниринг» АЖни замонавий техника ва ҳисоблаш воситалари, аппарат дастурий маҳсулотлари билан қўшимча жиҳозлаш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг молиявий маблағлари, шу жумладан грантлари ва қарз маблағлари жалб этилишини назарда тутувчи «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсан ва тасдиқласин.

11. Истисно тариқасида, 2021 йил 1 январга қадар:

«Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларига ҳамда уларнинг таркибиға кирувчи ташкилотларга — «Ўзбекэнерго» АЖ таркибидан чиқариладиган, шунингдек, унинг тузилмасига киритиладиган хўжалик юритувчи жамиятлар билан хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан;

иссиқлик электр станциялари ва электр марказларига — Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги «Лойихалар ва импорт контрактларни комплекс экспертизадан ўтказиш маркази» ДУКда экспертизадан ўтказилган техник топшириқларга мувофиқ таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун зарур эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни харид қилишга уларнинг максимал қиймати кўрсатилган ҳолда тайёрловчи корхоналар билан ҳар йили амал қилиш муддати бир календарь йилидан ошмайдиган муддатга тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Жамғарманинг «Ўзбекэнерго» АЖнинг инвестиция лойихаларини молиялаштириш учун илгари назарда тутилган 318,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги Жамғарма маблағларидан фойдаланиши лойихалар қийматини оптималлаштириш ҳамда уларни **6-иловага** мувофиқ халқаро молия институтларидан жалб қилинадиган қарз маблағларига алмаштириш ҳисобига қисқартириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

13. «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари:

эмиссия қилинадиган қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатига олиш ва қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун йифимлар;

қайта ташкил этиладиган ташкилотларнинг топшириладиган автотранспорт воситаларини қайтадан рўйхатга олишда автотранспорт йифимлари тўлашдан озод қилинсин.

14. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019 йил 1 июлдан бошлаб:

куввати 10 МВтдан кўпроқ энергия истеъмол қиласидаги саноат корхоналарини қуриш ва ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар республика ҳудудларида жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда факат Энергетика вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади;

хусусий инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига ташкил этилган мустақил ишлаб чиқарувчилардан электр энергияни харид қилиш танлов асосида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган лойиҳалар бундан мустасно) ҳосил қилинаётган электр энергиянинг максимал қиймати кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

15. Белгилаб қўйилсинки:

инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун «Ўзбекэнерго» АЖга берилган кредитлар ва қарзларни «Иссиклик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларига ҳамда уларнинг таркибида кирувчи корхоналарга, шунингдек, «Ўзбеккўмир» АЖга қайта расмийлаштириш [7](#) ва [8-иоловаларга](#) мувофиқ амалга оширилади;

«Ўзбекэнерго» АЖ ва унинг «Энергосотиш» филиалининг «Ўзбекэнерго» АЖ ҳамда [9](#) ва [10-иоловаларга](#) мувофиқ унинг таркибида кирувчи жамиятлар томонидан жалб этилган кредитлар бўйича кафилликлари белгиланган тартибда «Иссиклик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари», «Худудий электр тармоқлари» ва «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятларига қайта расмийлаштирилиши лозим;

«Иссиклик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари «Ўзбекэнерго» АЖнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан иссиқлик электр станциялари ва электр марказларида, худудий электр тармоқлари корхоналарида, «Ўззелектртармок» УКда лойиҳаларни амалга ошириш гурухлари ҳамда [11-иоловага](#) мувофиқ, қайта ташкил этилган санада унинг молиявий ҳисоботида акс эттирилган активлари ҳамда мажбуриятларининг ҳукукий ворислари ҳисобланади.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришларга мувофик:

тижорат банклари ва Жамғарма билан биргаликда «Ўзбекэнерго» АЖ томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб этилган кредит мажбуриятларининг янгидан ташкил этилаётган «Иссиклик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари ҳамда уларнинг таркибида кирувчи корхоналарга қайтадан расмийлаштирилишини таъминласин;

«Ўзбекэнерго» АЖнинг мажбуриятлари бўйича илгари берилган давлат кафолатларига ўзгартиришлар киритсин.

17. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар республикада фойдаланилаётган электр энергетика обьектлари учун ускуналар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — энергетика вазири А.С. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 март,
ПҚ-4249-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартағи ПҚ-4249-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ўзбекэнерго» АЖ таркибига киравчи қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган
айрим хўжалик жамиятлари ва корхоналар**

РЎЙХАТИ

T/p	Қайта ташкил етилаётган ва тугатилаётган хўжалик жамиятлари ва корхоналар	Тадбирларни амалга ошириш механизми
1.	«Ўзбекэнерго» АЖ	«Ўзбекэнерго» АЖни қайта ташкил этиб, унинг негизида учта «Иссиқлик электр станциялари, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари», «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларини тузиш, «Ўзбекэнерго» АЖнинг мол-мулкини баланс қийматида, шунингдек хуқуқлари, мажбуриятлари ўтказиш ҳисобига уларнинг устав капиталларини шакллантириш, кейинчалик «Ўзбекэнерго» АЖни тугатиш.
2.	«Тошкент ИЭС» УК	«Тошкент ИЭС» УКнинг хуқуқлари, мажбуриятлари ва мулкини «Иссиқлик электр станциялари» АЖга ўтказиш, устав капиталини «Тошкент ИЭС» УК устав жамғармаси миқдорида шакллантирган ҳолда, кейинчалик «Тошкент ИЭС» УКни «Тошкент ИЭС» АЖ этиб қайта ташкил этиш.
3.	«Толимаржон» ИЭС» УК	«Толимаржон ИЭС» УКнинг хуқуқ, мажбуриятлари ва мулкини «Иссиқлик электр станциялари» АЖга ўтказиш, устав капиталини «Толимаржон ИЭС» УК устав жамғармаси миқдорида шакллантирган ҳолда, кейинчалик «Толимаржон ИЭС» УКни «Толимаржон ИЭС» АЖ этиб қайта ташкил этиш.
4.	«Ўзэнергосозлаш» УК	«Ўзэнергосозлаш» УКнинг хуқуқ, мажбуриятлари ва мулкини «Иссиқлик электр станциялари» АЖга ўтказиш, устав капиталини «Ўзэнергосозлаш» УК устав жамғармаси миқдорида шакллантирган ҳолда, кейинчалик «Ўзэнергосозлаш» УКни «Ўзэнергосозлаш» АЖ этиб қайта ташкил этиш.
5.	«Ўзэлектртармоқ» УК	«Ўзэлектртармоқ» УК устав капитали миқдорида унинг бирламчи устав капиталини шакллантирган ҳолда хуқуқи, мулки ва мажбуриятларини «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга ўтказиш.
6.	«Ўзбекэнерго» АЖнинг «Энергосотиши» филиали	Мулкининг баланс қиймати суммаси миқдорида давлат улусини шакллантириш ҳисобига, хуқуқи, мулки ва мажбуриятларини «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга ўтказиш.
7.	«Қайта тикланувчи энергия манбалари	Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда корхонани тугатиш.

	бўйича қурилиш ва фойдаланиш дирекцияси» УК	
8.	«Илмий-техника маркази» МЧЖ	Кейинчалик хўжалик фаолиятини амалга ошириш хуқуқига эга илмий муассаса этиб қайта ташкил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасарруфига ўтказиш.
9.	«Ходимларни тайёрлаш маркази» МЧЖ	Қонун хужжатларида белгиланган тартибда корхонани тугатиш.
10.	«Қуёш энергияси халқаро институти» МЧЖ	Кейинчалик хўжалик фаолиятини амалга ошириш хуқуқига эга илмий муассаса этиб қайта ташкил қилиш учун «Қуёш энергияси халқаро институти» МЧЖ устав фондидаги «Ўзбекэнерго» АЖ улушкини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасарруфига ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартағи ПҚ-4249-сон қарорига
2-ИЛОВА

**2019 — 2021 йилларда белгиланган тартибда сотиши мақсадида «Ўзбекэнерго» АЖ ва
унинг таркибиға кирувчи ташкилотларнинг соҳасига кирмайдиган ва
фойдаланилмаётган, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш
агентлигига ўтказилаётган активлари ва улушлари**

РЎЙХАТИ

T/ р	Ташкилотлар ва активлар номи	Сотиладига н улуш миқдори, (фоиз)	Улушлар ва активлар эгаси	Улушларни сотиши муддати
1.	«Теплоэлектропроект» АЖ	22,28*	«Ўзбекэнерго» АЖ	-
2.	«Средазэнергосетьпроект» АЖ	25,37*	«Ўзбекэнерго» АЖ	-
3.	«Шарқтехэнерготаъмир» МЧЖ	3,03	«Ўзбекэнерго» АЖ	2019 й.
4.	«4-монтаж бошқармаси» АЖ	26,08	«Ўзбекэнерго» АЖ	2019 й.
		25,07	«Электртармоққурилиш» АЖ	
		30,09	«Фарона ИЭМ» АЖ	
		9,03	«Бухоро ҲЭТК» АЖ	
5.	«СРП Энерготаъмир» АЖ	10	«Ўзбекэнерго» АЖ	2019 й.
6.	«Сурхонмаксусэнергомонтаж» МЧЖ	51	«Ўзбекэнерго» АЖ	2019 й.
7.	«Қурилишмашлизинг» РИЛК АЖ	1,76	«Ўзбекэнерго» АЖ	2019 й.
8.	«Қурилиш-лизинг» МЧЖ	1,77	«Ўзбекэнерго» АЖ	2019 й.
9.	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	1,41	«Ўзбекэнерго» АЖ	2019 й.
10.	«Ипотека банк» АТИБ	1,41	«Ўзбекэнерго» АЖ	2019 й.
11.	«Бухоро дехқон бозори» АЖ	0,07	«Бухоро ҲЭТК» АЖ	2019 й.
12.	«Максусэлектртармоққурилиш» АЖ	25	«Ўзбекэнерго» АЖ	2020 й.

13.	«Beruniy tumani agromonitoring markazi» МЧЖ	4	«Корақалпоқ ҲЭТК» АЖ	2020 й.
14.	«Акманғитдийханлары» МЧЖ	100	«Корақалпоқ ҲЭТК» АЖ	2020 й.
15.	«Тахиаташ иссиқхона» МЧЖ	100	«Тахиатош ИЭС» АЖ	2020 й.
16.	«Энерго насл савдо» МЧЖ	100	«Тахиатош ИЭС» АЖ	2020 й.
17.	«Тахиатош ИЭС балиқ» МЧЖ	100	«Тахиатош ИЭС» АЖ	2020 й.
18.	«Хайрия савдо энерго» МЧЖ	100	«Тахиатош ИЭС» АЖ	2020 й.
19.	«Андижон энерго қурилиш» МЧЖ	51	«Андижон ҲЭТК» АЖ	2020 й.
20.	«Yorqin Chiroqlar» МЧЖ ҚҚ	44,4	«Жиззах ҲЭТК» АЖ	2020 й.
21.	«Quyosh Issiqlik Energiyasi» МЧЖ ҚҚ	13,21	«Жиззах ҲЭТК» АЖ	2020 й.
22.	«Қаршиенерготаъмир» МЧЖ	3,5	«Муборак ИЭС» АЖ	2020 й.
23.	«Нуристон ризқ насибаси» МЧЖ	100	«Толимаржон ИЭС» УК	2020 й.
24.	«Нуристон диёри» МЧЖ	100	«Толимаржон ИЭС» УК	2020 й.
25.	«Чўл паррандаси» МЧЖ	100	«Толимаржон ИЭС» УК	2020 й.
26.	«Яккабоғмева» МЧЖ	100	«Толимаржон ИЭС» УК	2020 й.
27.	«Йўлдошев Зиёвиддин Эгамбердиевич» МЧЖ	100	«Толимаржон ИЭС» УК	2020 й.
28.	«Қирқчинор меваси» МЧЖ	100	«Толимаржон ИЭС» УК	2020 й.
29.	«Энерго Насл Чорва» МЧЖ	100	«Сирдарё ИЭС» АЖ	2020 й.
30.	«Навоий савдо комплекси» МЧЖ	5,4 1,75	«Навоий ИЭС» АЖ «Навоий ҲЭТК» АЖ	2020 й.
31.	«Арматура-изолятор заводи МЧЖ» ҚҚ	16,9	«Ўзэлектртармоқ» УК	2020 й.
32.	«Energozashita Silver Star» МЧЖ	15	«Ўзэлектртармоқ» УК	2020 й.
33.	«Фарғона шифобахш суви» МЧЖ	10,4	«Фарғона ҲЭТК» АЖ	2020 й.
34.	«Игл Нур» МЧЖ ҚҚ	48,2	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.
35.	«Строй макс инвест» МЧЖ ҚҚ	20	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.
36.	«Ўзқишлоқэлектрқурилиш» АЖ	25 5,48 1,2 1,19 1,03 1,03 1,03	«Ўзбекэнерго» АЖ «Ўзэлектртармоқ» УК «Жиззах ҲЭТК» АЖ «Қашқадарё ҲЭТК» АЖ «Бухоро ҲЭТК» АЖ «Навоий ҲЭТК» АЖ «Самарқанд ҲЭТК» АЖ	2021 й.
37.	«Савдоэнерго» АЖ	16,13	«Ўзбекэнерго» АЖ	2021 й.
38.	«Электрқишлоққурилиш» АЖ	25,44	«Ўзбекэнерго» АЖ	2021 й.

39.	«ОРГРЭС» АЖ	5,84 25	«Ўзбекэнерго» АЖ «Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2021 й.
40.	«Электртармоқкурилиш» АЖ	37,25	«Ўзбекэнерго» АЖ	2021 й.
41.	«Оқ-Сув» ИЭМ биноси	-	«Қашқадарё ҲЭТК» АЖ	2020 й.
42.	Электрэнергия ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш заводи	-	«Навоий ҲЭТК» АЖ	2020 й.
43.	Янгиер ГЭСП	-	«Сирдарё ҲЭТК» АЖ	2020 й.
44.	Ишлаб чиқариш базаси (Автогараж)	-	«Сирдарё ҲЭТК» АЖ	2020 й.
45.	Ёрдамчи ходимлар учун хона	-	«Сирдарё ҲЭТК» АЖ	2020 й.
46.	Сайхунобод ЭСП ҳузуридаги «Иттифок» устахона участкаси	-	«Сирдарё ҲЭТК» АЖ	2020 й.
47.	Навбатчи ходимлар учун хона	-	«Сирдарё ҲЭТК» АЖ	2020 й.
48.	Маишний хизмат уйи	-	«Сирдарё ҲЭТК» АЖ	2020 й.
49.	10 та ўринга мўлжалланган ҳаммом	-	«Сирдарё ҲЭТК» АЖ	2020 й.
50.	Маишний хизмат уйи	-	«Сирдарё ҲЭТК» АЖ	2020 й.
51.	Усталар уйи биноси	-	«Сирдарё ҲЭТК» АЖ	2020 й.
52.	Маишний хизмат уйи биноси	-	«Сирдарё ҲЭТК» АЖ	2020 й.
53.	Ёрдамчи хўжалик	-	«Сирдарё ҲЭТК» АЖ	2020 й.
54.	«Фитнес марказ» спорт комплекси	-	«Сирдарё ИЭС» АЖ	2020 й.
55.	Ёрдамчи хўжалик	-	«Жиззах ҲЭТК» АЖ	2020 й.
56.	Ишлаб чиқариш базаси ХРЭС (курилиши тугалланмаган)	-	«Жиззах ҲЭТК» АЖ	2020 й.
57.	Умумий овқатланиш биноси (курилиши тугалланмаган)	-	«Жиззах ҲЭТК» АЖ	2020 й.
58.	Сабзавотларни сақлайдиган музлаткич	-	«Жиззах ҲЭТК» АЖ	2020 й.
59.	250 та ўринли гаражга мўлжалланган АЁС	-	«Толимаржон ИЭС» УК	2020 й.
60.	100 та ўринга мўлжалланган чойхона ва тикув цехи	-	«Толимаржон ИЭС» УК	2020 й.
61.	«Фарҳод» ҳайкали бинолари ва иншоотлари	-	«Толимаржон ИЭС» УК	2020 й.
62.	1-сонли омборхона биноси	-	«Сирдарё ИЭС» АЖ	2020 й.
63.	2-сонли омборхона биноси	-	«Сирдарё ИЭС» АЖ	2020 й.
64.	Маъмурий бино	-	«Сирдарё ИЭС» АЖ	2020 й.
65.	1-сонли саноат зонаси омбори	-	«Сирдарё ИЭС» АЖ	2020 й.
66.	2-сонли саноат зонаси омбори	-	«Сирдарё ИЭС» АЖ	2020 й.
67.	4-сонли ошхона	-	«Савдоэнерго» АЖ	2020 й.
68.	Чилангарлик-механика базаси ва механизмлар учун айвон	-	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.
69.	Автоустахоналар автомашиналарни текшириш ўралари ва айвон билан бирга	-	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.

70.	Таъмирлаш-механика устахонаси	-	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.
71.	Омборхона бокслари, электр цех устахонаси	-	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.
72.	Опалубкали устахона	-	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.
73.	Маиший хоналар, бокслар, ишлаб чиқариш биноси, механизмлар учун айвон	-	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.
74.	Компрессор-кислородли устахона	-	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.
75.	Қурилиш бошқармасининг маъмурий биноси	-	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.
76.	Туман алоқа боғламаси биноси	-	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.
77.	Музқаймок-кафе ва омонат кассаси	-	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.
78.	76-сонли мактабгача таълим муассасанинг биноси	-	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.
79.	74-сонли мактабгача таълим муассасанинг биноси	-	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.
80.	Изоляция ҳамда ўрама материаллар омбори	-	«Янги Ангрен ИЭС» АЖ	2020 й.
81.	1 қаватли бино (собиқ меҳмонхона)	-	«Тошкент ҲЭТК» АЖ	2020 й.
82.	Дала ҳовли биноси	-	«Тошкент ҲЭТК» АЖ	2020 й.
83.	Ёрдамчи хўжаликлар	-	«Тошкент ҲЭТК» АЖ	2020 й.
84.	2 қаватли бино	-	«Тошкент ҲЭТК» АЖ	2020 й.
85.	Меҳмонхонанинг эски биноси	-	«Фарғона ҲЭТК» АЖ	2020 й.
86.	Тошлоқ ҲТК эски маъмурий биноси	-	«Фарғона ҲЭТК» АЖ	2020 й.
87.	Омборхонанинг эски биноси	-	«Фарғона ҲЭТК» АЖ	2020 й.
89.	Фурқат ҲТК эски маъмурий биноси	-	«Фарғона ҲЭТК» АЖ	2020 й.
89.	Иссиқхона биноси	-	«Хоразм ҲЭТК» АЖ	2020 й.
90.	Ёрдамчи хонанинг биноси	-	«Хоразм ҲЭТК» АЖ	2020 й.
91.	Молхона биноси	-	«Хоразм ҲЭТК» АЖ	2020 й.
92.	Устахона участка биноси	-	«Хоразм ҲЭТК» АЖ	2020 й.
93.	Ёрдамчи хонанинг биноси	-	«Хоразм ҲЭТК» АЖ	2020 й.
94.	Омборхона биноси	-	«Хоразм ҲЭТК» АЖ	2020 й.
95.	Ёрдамчи маъмурий бино	-	«Хоразм ҲЭТК» АЖ	2020 й.
96.	Ёрдамчи хўжалик биноси	-	«Хоразм ҲЭТК» АЖ	2020 й.
97.	Бинолар ва иншоотлар	-	«Хоразм ҲЭТК» АЖ	2020 й.
98.	Дам олиш зонаси биноси	-	«Хоразм ҲЭТК» АЖ	2020 й.
99.	Ёрдамчи хўжалиги	-	«Хоразм ҲЭТК» АЖ	2020 й.

Изоҳ:

* Хўжалик жамиятларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериладиган улушлари кейинчалик сотилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига мазкур рўйхатга, шу жумладан улушлар микдори ва уларни сотиш муддатларига мустақил равишда ўзгартириш киритиш хукуқи берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартағи ПҚ-4249-сон қарорига
3-ИЛОВА

**«Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг устав капиталига ўтказилаётган давлат ва
«Ўзбекэнерго» АЖнинг улушлари**

Т/р	Корхонанинг номланиши	Ўтказилаётган улуш (фоиз)	
		Давлат улуши	«Ўзбекэнерго» АЖ улуши
1.	«Ўзэнергосозлаш» УК	-	100
2.	«Тошкент ИЭС» УК	-	100
3.	«Толимаржон ИЭС» УК	-	100
4.	«Тўрақўргон ИЭС қурилиши дирекцияси» УК	-	100
5.	«Ангрен ИЭС» АЖ	-	99
6.	«Янги-Ангрен ИЭС» АЖ	-	99,59
7.	«Сирдарё ИЭС» АЖ	-	99,04
8.	«Навоий ИЭС» АЖ	-	99,99
9.	«Тахиатош ИЭС» АЖ	-	98,9
10.	«Муборак ИЭМ» АЖ	-	99,23
11.	«Фарғона ИЭМ» АЖ	5,27	93,79
12.	«Тошкент ИЭМ» АЖ	-	99,81
13.	«Ўзбекэнерготаъмир» АЖ	-	51
14.	«Ўзэнерготаъминлаш» АЖ	-	25,55

Изоҳлар:

- Улушлар баланс қиймати бўйича ўтказилади.
- Улушлар миқдори «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг устав капиталига ўтказилаётган пайтдаги ҳолат бўйича аниқлаштирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартағи ПҚ-4249-сон қарорига
4-ИЛОВА

**«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг устав капиталига ўтказилаётган
давлат ва «Ўзбекэнерго» АЖ улушлари**

Т/р	Корхонанинг номланиши	Ўтказилаётган улуш (фоиз)	
		давлат	«Ўзбекэнерго» АЖ
1.	«Ўзэлектротармок» УК	-	100
2.	«Ўзбекэнерго» АЖнинг «Энергосотиш» филиали*	-	100
3.	«Қишлоқэнерголойиҳа» АЖ	34,04	53,43

Изоҳлар:

* «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг устав капиталига ўтказилаётган, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 4 (1-литер) манзилда жойлашган «Энергосотиш» филиали биносидан ташқари.

Улушлар баланс қиймати бўйича ўтказилади.

Улушлар миқдори «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг устав капиталига ўтказилаётган пайтдаги ҳолат бўйича аниқлаштирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартағи ПҚ-4249-сон қарорига
5-ИЛОВА

**«Худудий электр тармоқлари» АЖнинг устав капиталига ўтказилаётган давлат ва
«Ўзбекэнерго» АЖнинг улушлари**

T/p	Корхона номи	Ўтказилаётган улуш (фоиз)	
		давлат улуши	«Ўзбекэнерго» АЖ улуши
1.	«Андижон ҲЭТК» АЖ	2,38	95,77
2.	«Бухоро ҲЭТК» АЖ	-	51,0
3.	«Жиззах ҲЭТК» АЖ	2,99	96,68
4.	«Қорақалпоқ ҲЭТК» АЖ	10,25	88,33
5.	«Қашкадарё ҲЭТК» АЖ	9,44	89,37
6.	«Наманган ҲЭТК» АЖ	-	95,21
7.	«Навоий ҲЭТК» АЖ	-	98,78
8.	«Самарқанд ҲЭТК» АЖ	8,90	89,53
9.	«Сурхондарё ҲЭТК» АЖ	7,93	91,29
10.	«Сирдарё ҲЭТК» АЖ	-	98,34
11.	«Тошкент шаҳар ҲЭТК» АЖ	4,23	95,44
12.	«Тошкент ҲЭТК» АЖ	10,35	89,34
13.	«Фарғона ҲЭТК» АЖ	-	51,0
14.	«Хоразм ҲЭТК» АЖ	12,69	86,89
15.	«ЭҲНАТни жорий этиш дирекцияси» МЧЖ	-	100,0
16.	«Энергосотиш» филиали биноси*		

Изоҳ:

* Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 4-йда жойлашган бинода (Литер 1) ЭҲНАТ маълумотларни қайта ишлаш ягона марказ фаолияти ташкил этилади.

Улушлар баланс қиймати бўйича ўтказилади.

Улушлар миқдори «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг устав капиталига ўтказилаётган вактдаги ҳолат бўйича аниқланиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартағи ПҚ-4249-сон қарорига
6-ИЛОВА**

**Халқаро молия институтларининг қарз маблағларини жалб этиш ва лойиҳаларнинг
қийматини оптималлаштириш ҳисобига қисқартирилаётган Ўзбекистон Республикаси
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари бўйича «Ўзбекэнерго» АЖнинг
инвестиция лойиҳалари**

РЎЙХАТИ

млн. АҚШ
доллари

T/p	Лойиҳанинг номланиши	ЎТТЖ кредити суммаси	Шундан 01.02.2019 йил ҳолатига ажратилган кредитлар суммаси	ЎТТЖнинг бўшайдиган маблағлари суммаси	Изоҳ
	Жами	698,7	107,5	318,4	
1.	Тахиатош ИЭСда 230 — 280 МВт кувватга эга	230,7	107,5	60	ЎТТЖнинг бўшайдиган маблағлари Осиё

	иккита буғ-газ қурилмасини қуриш				тараққиёт банкининг (ОТБ) қарз маблағлариiga алмаштирилади
2.	900 МВт кам бўлмаган умумий қувватга эга навбатдаги буғ-газ қурилмасини қуриш билан бирга Талимаржон иссиқлик электр станциясини кенгайтириш	400	-	240	ЎТТЖнинг бўшайдиган маблағлари ОТБ ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки қарз маблағлариiga алмаштирилади
3.	«Toshkent Metallurgiya Zavodi» МЧЖ ташқи электр таъминоти объектларини қуриш	68		18,4	ЎТТЖ маблағлари лойиҳа қийматини оптималлаштириш хисобига бўшайди (ТИҲ бўйича ЎТТЖ кредит суммаси 49,6 млн АҚШ долларини ташкил этади)
	Тошкент шаҳар Сергели тумани ва унга туташ худудларда уларни истиқболли ривожлантиришни хисобга олган ҳолда, электр таъминоти объектларини қуриш				

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартағи ПҚ-4249-сон қарорига
7-ИЛОВА

«Ўзбекэнерго» АЖга берилган ва «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари», «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларига ва уларнинг таркибига кирувчи корхоналарга ҳамда «Ўзбеккўмир» АЖга қайта расмийлаштириладиган хорижий валютадаги кредитлар ва қарзлар

РҮЙХАТИ

T/ р	Кредитор нинг номлани ши	Лойиҳан инг номлани ши	Кредит шартно масини нг санаси ва рақами	Кредит валютаси	Кредит шартно масини нг суммас и	Кред ит бўйи ча қарз дорл ик (асос ий қарз) 01.03 .2019 йил ҳола тига	Кредит ва қарз мажбур иятлар и бўйича хуқуки й ворис	Кредитла р ва қарзл ар бўйи ча таъм инот
---------	-----------------------------------	---------------------------------	--	--------------------	---	---	---	---

1.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	Навоий ИЭСда буғ-газ курилма сини қуриш	29.09.2009 йилдаги РF-2009/10-сон	минг АҚШ доллари	47 074,3	9 555	«Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Навоий ИЭС» АЖ	Ўзбек истон Республикаси давлат кафолати
2.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (ЎРТТЖ маблағлариди)	Навоий ИЭСда буғ-газ курилма сини қуриш	29.09.2009 йилдаги РF-2009/09-сон	минг евро	252 530	151 518	«Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Навоий ИЭС» АЖ	Ўзбек истон Республикаси давлат кафолати
3.	ЛICA Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги	Навоий ИЭС энергетика сектори салоҳиятини ривожла нтириш	27.01.2015 йилдаги UZB-R13-сон	минг япон иени	3 000 000	2 493 389,3	«Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Навоий ИЭС» АЖ	Хукумат кредити
4.	ЛICA Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги	Навоий ИЭСни 450 МВт қувватга эга иккинчи буғ-газ курилма сини қуриш билан кенгайтириш	28.08.2013 йилдаги UZB-R11-сон	минг япон иени	34 844 000	17 337 849	«Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Навоий ИЭС» АЖ	Хукумат кредити
5.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (ЎРТТЖ	Навоий ИЭСни 450 МВт қувватга эга иккинчи буғ-газ курилма сини	23.04.2018 йилдаги РF-2018/08-сон	минг АҚШ доллари	150 000	62 621,4	«Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Навоий ИЭС» АЖ	Ўзбек истон Республикаси давлат кафолати

	маблағлар и)	куриш билан кенгайт ириш					
--	--------------	--------------------------	--	--	--	--	--

«Тошкент ИЭС» УК

1 .	Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги	Тошкент ИЭС да 370 МВт қувватга эга буғ-газ қурилма сини қуриш	16.05.20 02 йилдаги UZB-Р7-сон	минг япон иени	24 955 000	122 681	«Иссиқ лик электр станция лари» АЖ, «Тошкент ИЭС» АЖ	Хуку мат кредити
2 .	Хитой Тараққиёт Давлат Банки	Тошкент ИЭС да 370 МВт қувватга эга буғ-газ қурилмасини қуриш	08.08.20 12 йилдаги 65102... 06б-сон	минг АҚШ доллары	220 000	163 680	«Иссиқ лик электр станция лари» АЖ, «Тошкент ИЭС» АЖ	Ўзбек истон ТИФ Милл ий банки шартномаси
3 .	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	Тошкент ИЭС да 370 МВт қувватга эга буғ-газ қурилмасини қуриш	21.11.20 12 йилдаги PF-2012/06 -сон	минг АҚШ доллары	163 680	-	«Иссиқ лик электр станция лари» АЖ, «Тошкент ИЭС» АЖ	«Фарғона ИЭМ» АЖ, «Янги Ангрен ИЭС» АЖ акциялари
4 .	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (ЎРТТЖ маблағлари)	Тошкент ИЭС да 370 МВт қувватга эга буғ-газ қурилмасини қуриш	21.11.20 12 йилдаги PF-2012/05 -сон	минг АҚШ доллары	76 200	60 960	«Иссиқ лик электр станция лари» АЖ, «Тошкент ИЭС» АЖ	«Тошкент ИЭС» УК мулки нинг гаров шартномаси

«Янги Ангрен ИЭС» АЖ

1 .	«Ўзсаноат курилишба нк» АТБ (ЎРТТЖ маблағлар и)	Янги Ангрен ИЭСнинг 1 — 5-рақамли энерго-блокларини ийл давомида кўмир ёқишига ўтказиш (1-боскич)	08.09.20 10 йилдаги 04-144-сон	минг АҚШ доллари	29 441,03	7 299,8	«Иссик лик электр станция лари» АЖ, «Янги Ангрен ИЭС» АЖ	Ўзбек истон Республикаси давлат кафолати
-----	---	---	--------------------------------	------------------	-----------	---------	--	--

«Талимаржон ИЭС» УК

